

43 (1194)-сон 29 октябрь 2014 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Нормуҳин СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ артисти:
**ОПЕРА ЮРАҚДАН
КУЙЛАНАДИ**



4



5

**ОТАНИНГ ЎРНИ
ҚАЕРДА?**



6

**МЕҲР ЎЛМАЙДИ,
ОҚИБАТ ҲАМ**



8

**ТАРБИЯ ЎЧОФИ —
ОИЛАДА**

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Хунардан зар унади



“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна бир
ҳақиқий аъзоси сифатида қадр-
лаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммас-
лак бўлиб келаётган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга
обуна давом этмоқда!



ҲИКМАТ
Кўпайган сўзнинг
бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпи-
дан ози бўлар соз.
Абдулла АВЛОНИЙ

ОИЛА ЧИРОҒИ

Тўртқўл туманида умргуздорлик қилаётган Сўна Зарипова 80 ёшни қоралаётган бўлса-да, ханузгача сергайратлиги, эл-юрт қорига камарбаста экани билан ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда. Миллий каштачилик сирларини мукамал эгаллаган онахон тиккан куёв халта, кўрпа, кўрпача, чойнак таглиги каби буюмларнинг безаклари ва гулларининг нафислигини сўз билан ифодалаш қийин.

Ибройим заргар оиласида тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган Сўна опа, болалигиданоқ хунарга ўргана бошлаган.

— Отамдан заргарликни, онамдан чопон, яктак ва шунга ўхшаган кийим-кечаклар тиқишни ўрганганман, — дейди онахон болалик йилларини эсларкан. — Ўша замонларда хунардан унчалик бой бўлмаган экан-да. Косиблар оиласи бўлганлигимиз боис камхаржгина яшардик. Лекин уйга меҳмон келиб қолса борми, Олия онагинам қарз-хавола қилиб бўлса-да, келганларни иззат-икром билан кутиб оларди. Ўша кезларда онам сингари хунардан аёллар тиккан буюмларини бозорга олиб чиқиб, сотиб, пулига бир кўй ва ёш мол олиб сўйиб, катта қозонда қовуришарди ва "чора" деб аталган икки қулоқли тахминан 3-5 литрлик, оғзи кичкина сопол идишларга солишарди-да, оғзини маҳкам бекииб, унинг устидан лой билан суварди. Кейин майдонликда ҳар қайси "чора" идишга чуқур қазиб, кўмиб қўйишарди. Бундай идишларнинг ҳар бирига тахминан 3-5 г. гўшт сигар эди. Уйга меҳмон келса, ёки оила камхарж бўлиб қолса, битта идишни олиб фойдаланар эдилар. Тухум, сут маҳсулотларини, Урганч ва Хонқага олиб бориб сотиб, рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиб қайтишарди. Фалончи бой тўй бераётганмиш, тўйига Ҳожихон келибди, деган гапни эшитган аҳоли уйларининг томларига кигиз тўшаб, том устида паловни еб, маза қилиб кўшиқ эшитар эдилар. Булар менинг хотирамда қолган унутилмас манзаралар...

— Сўна она, неча ёшда тур-

мушга чиққансиз? — деб сўрай-миз.

— Э, нимасини атайин, қизим, биз кўрган замонларда қизларни ўз хошига қараб узатмасдилар. Менинг тақдирим ҳам шундай бўлган. Абдураим отангиз 40 ёшда эди. Уйланган, икки нафар қизлари ҳам бор эди. Шунга қарамай, 17 ёшимда мени шу кишига турмушга беришган. Ёш эдим, меҳнатдан қочмадим. Қизларнинг иккисига ҳам оналик қилиб, ўзим турмушга узатганман. Яхши бўлсангиз, одамларга яхшилик қилиб яшасангиз, роҳати ҳам шунга яраша бўларкан. Дармонжон, Мам-



матризо, Назрулло, Комилжон, Давлатназар, Баходир ва Хуршида каби фарзандларим эсли-хушли бўлиб вояга етиб, эл-юрт қорига камарбаста бўлишди. Невара-чевараларимнинг тўйларини, орзу-хавасларини ҳам кўряпман. Меҳнатсеварлигим туфайли оила аъзоларимнинг хурмат-этиборига сазовор бўлганман. Аёл киши тежамкор бўлса, уйга барака кираверар экан. Бир сигардан 9 та буюқ олганман. Аммо ҳамиса ўзимга қараб, ораста бўлиб юришнинг урдасидан чиқардим. Иккита кўйлагим бор эди. Бир ҳафта, ўн кун улардан бирини қизил, иккинчисини яшил бўёққа бўяб қийсам, кейин яна бошқа рангга бўяб олардим. Кўрганлар, "Сўнахоннинг турли хил кўйлаклари кўп", деб ўйлашарди.

Мана, бахтим бор экан-ки, шундай хур, дорилоним кунларни ҳам кўришга муяссар бўлдим. Ҳозир, мен сизга айтсам, ниҳоятда қадрли ва бахтиёр яшайдиган давр бўлди.

Ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ, бутун дунё биз билан теппа-тенг ҳисоблашяпти. Ота-оналарим орзу қилиб, етолмаган муборак ҳаж сафарига бўлиш бахти менга насиб этди. Аввал Абдураим отангиз бориб келди, 1997 йилда мен зиярат қилиб келдим. Раҳматли эримни "Абдураим машиначи" дейишар эди. Оллоҳнинг иноятини қарангки, бир асрдан кўпроқ умр кўрди.

Оилада аҳиллик, тотувлик муҳитини яратиш учун аёлдан нималар талаб этилади, деб сўраганимизда онахон шундай жавоб берди:

— Муқаддас қадриятларимиздан бўлган ибодат-ҳаё, ор-номус деган бебаҳо тушунчаларни оналар қизларига кўпроқ сингдиришлари керак. Қиз бола отаси, акаси ва бошқа эркаклар олдида овозини баралла қўйиб кулмайди, баланд товушда гапирмайди, кўп сўзламайди. Ана шундай фазилатларни ёшлигиданоқ қизларга ўқитишимиз зарур. Фарзандни кўни-кўшнилари билан ҳам оға-ини, қариндош-уруғдек муомалада бўлишга одатлантириш, яъни: "Болам, мана бу иссиқ нонни Дилбар онангга олиб чиқиб бергин, дуо қилади. Ёки Каримбой отангнинг ишларига қарашсанг, хурсанд бўлади", дея улусга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш керак. Айниқса, қиз боланинг тарбиясига жиддий, жуда масъулият билан ёндашиш керак. Қиз бола оилада, албатта, бирор касб-корни ўрганиши лозим. Илмсизлик, касб-корсиз яшаш инсонни уқубатлар гирдобига рўпара қилади.

Ҳар бир сўзи хикматли, қилаётган ишлари барчага бирдек ибратли бўлган Сўна момо каби фойдиди, дуоғўй аёлларни нафақат Тўртқўл туманида, балки Қорақалпоғистон Республикасининг барча гўшаларида учратасиз. Зевархон Юсупова, Нурпошша Матниязова, Мунаввара Собирова, Дурхоним Сеитниязова каби фахрийлар, Болтабика ва Анахон Атажановалар, Муҳайё Фатхуллаева сингари шифокорлар, Қарима Курбанниязова, Гавхар Юсупова каби юксак маънавиятли онахонларимиз номларини ҳам фахр билан тилга олсак арзийди ҳам.

Мунаввара ЮСУПОВА,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
Ёзувчилар уюшмалари аъзоси.

ЖОНКУЯР, ТАШАББУСКОР

Жамила Ҳамроқуловани Гулистон туманида каттаю-кичик яхши танийди. У ўзининг ишчанлиги, камтарлиги, одабийлиги билан кўпчиликнинг меҳрини қозongan.

Тошкент давлат халқ ҳўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодий университетининг иқтисодий факультетини тугаллагач, бир муддат пойтахтда, Марказий банкда фаолият юритган Жамила опа шароит тақозоси туфайли ота-онасининг бағрига қайтди. Бир дунё орзулар оғушида ибратли оилага келин бўлди. Кўп ўтмай АТ "Агробанк"нинг Гулистон тумани бўлимига ишга кирди. Мана 28 йилдирки, шу жамоада хизмат қилиб келмоқда.

— Банк соҳаси мураккаб, ҳар лаҳзада хушёрлик ва билимдонликни талаб қилади, — дейди Жамила опа. — Шукрки, турмуш ўртоғим ҳам ишимни яхши



тушунади, интилишларимни хурмат қилади. Фарзандларимиз Жавлон, Дилдора, Диёраларни умид билан вояга етказдик. Баъзан хизмат юзасидан кечикиб қолгудек бўлсам,

болаларимга бобо-бувилари кўз-қўлак бўлиб туришарди. Уй-рўзгор ишларини эса кечалари ухلامасдан бекаму кўст бажаришга уринардим. Негаки, бизга ота-онамиз агар оилада саранжом-сарришталик бўлмаса, рўзгордан барака қочади, деб ўргатишган.

Узоқ вақт бир жойда ишлаганингиздан кейин ишхона ҳам худди иккинчи уйингиздек бўлиб қолар экан. Ростини айтсам, жамоамиздагилар билан ниҳоятда қадрдонимиз. Асосийси, ходимларимиз ўз вазифаларини пухта билишади. Одилбек Ҳайдаров, Жўрабек Усмонов, Қодир Миращуров, Қахрамон Рахимов, Лола Ҳусанова, Шахноза Раҳмонова каби шоғирдларим билан ҳақли равишда фахрланаман.

Жамила опа, шунингдек, ўзи ишлайётган банкда бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида ҳам фаолият юритади. Бундан ташқари у Гулистон иқтисодий кесб-хўнар коллежининг "Банкларда бухгалтерия ҳисоби" йўналишида таълим олаётган ўқувчиларга сабоқ беришга ҳам вақт топади.

— Ҳозир ташаббускорлик билан иш юритмасангиз, даврдан ортда қолиб кетасиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан ўтказиладиган барча тадбирларни бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкиллаштирамиз. Ҳусусан, туман молия бўлими бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳромжон Максудов, туман давлат архиви бўлими бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Эркинжон Абдуллаев, туман солиқ инспекцияси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Жаҳонгир Мамаражабовлар билан бамаслаҳат амалга оширилаётган ишларимиз яхши самара бермоқда.

Бугунги кунда жойларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, оилалар фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларда Жамила Ҳамроқулова каби ҳам оилада, ҳам жамиятда ўз ўрни, мавқега эга бўлган фаол ва жонкуяр аёлларнинг муносиб ҳиссаси бор.

ҚЎЛДА ИГНА, ТИЗЗАДА КАШТА

...1950 йилнинг айна киш чилласи. Маҳалламиздаги бир хонадон келин тушириш таррадуиди. Одийгина том, лойсувоқли уйга эрта-индин янги келин ташриф буюради. Ўша пайтлар ҳам келин тушган хонадон ёш болалар назаридан четда қолмасди. Ясатилган уйнинг ичкарисига болаларга хос зийраклик билан қарасам, гўёки баҳор гўзаллиги мужассам. Назаримда, кашталар туфайли уй бир қасрга айлангандек эди гўё. Тўй баҳона, кашталарни томоша қилган хотин-халаж кечкурун келин билан бирга келадиган қудаларни қутишга ҳозирлик кўра бошлашди. Ҳар қим ўз санъатини намойиш қилиб, косада янгаларга "шарбат тутиш", ундан кейин эса доира чалиб, базм қилишни режалаштириб қўйишди.

Ўша кезларда куёв тарафдан қайнсингил ҳамда келин билан келган янгалар ўртасидаги айтишув чинакам шеърхонликка айланарди кетарди. Қиз томон ўзининг чеварлиги, пазандалигини, тиккан кашталарини маромига келтириб мақтаса, косадаги шириликни ҳар бир шеър айтувчига улашаётган куёвнинг синглини йигитнинг мардлиги, уддабуронлиги ҳақида лапарлар айтарди.

Қадим-қадимдан ҳар бир нуроталик аёл каштачи-

лик санъати билан шуғулланган. Оилада ўсаётган қизнинг қўлига болалигиданоқ игна, тиззасига кашта беришган. Момолардан оналаримизга, оналардан қизларга мерос бўлиб қолган бу санъат йўлига ҳеч қандай қаршилик, таъйиклар ҳам тўғаноқ бўла олмади. Шўролар даврида турғунлик йилларида дўконларда каштага керакли иплар камёб бўлиб қолганда ҳам бу ажиб гўшадая шовчи хотин-қизлар тиззасидан кашта тушмади.

Улар қўлига урчуқ олиб, кашта тиқиш учун ип ййгиришди. Катта-катта сўзаналар, жойпўшлар, тақияпўшлар тиқишди. Каштачиликнинг қадим аъналарини русча, болгарча, украинча услублар билан аралашиб кетган бўлса ҳамки, уларнинг ўзбекона кашталари ҳамон ўз аслиятини йўқотган эмас.

Ҳозирги кунда эса юзлаб тадбиркор аёлларимиз каштачиликнинг турли йўналишлари бўйича иш олиб бориб, Нурота каштачилик мактаби намуналарини жаҳон бозорларига чиқариб, халқаро танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Саодат РАҲМАТОВА,
Нурота шаҳри,
Навойи вилояти.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
журналист.
Сирдарё вилояти.

Нормўмин СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти:

ОПЕРА ЮРАКДАН КУЙЛАНАДИ

— Нормўмин ака, Косон туманидаги Некўз қишлоғида, оддий ошпаз оиласида туғилган экансиз. Хўш, оддий қишлоқ боласининг опера санъатига кириб келишига нималар туртки бўлган ўзи?

— Тўғриси айтсам, болалигимда бу санъат тури ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганман. Жумагул момом (раҳматли онам Кенжагул Умированинг онаси) нинг уйларига тез-тез бориб турардим. Момом танбур, доира чалиб, мумтоз кўшиқларни хиргойи қиларди. Қишлоқда у кишини Жумагул бахши деб аташарди. Халқ табобатидан хабари бўлгани боис ёш болалар, аёлларни турли гиёҳлар бериб даволарди. Бемори тузалиб, оёққа турганини эшитса, бир ҳафтагача қувончини ичига ситдирилмай юрар, шундай кезларда эриб кетиб, менга ҳам доираларини берар, иккаламиз завқлиб куйлардик. Санъатга бўлган меҳр менга момомдан ўтган бўлса, ажабмас.

Отам — Намоз бува қишлоқ тўйларида 200 килограммча ош дамлайдиган машур ошпаз эди. Бундан ташқари қассоблик, деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. Эртадан кечгача даласидан келмасди. Отам ўзи муסיқани тушунмас эди: “Қани ўғлим, битта яхшисидан айтинг-чи”, десалар, мен завқлиб куйлай бошлардим. Ҳозир падали бузруқворим 87 ёшга кирди, Оллоҳга шукрки, ҳали бардам-бақувват. Онамдан айрилганимизга йигирма йил бўлди. Отамнинг шунча йил яшаб, бирор марта турмушдан нолиганини эшитмаганман. Қишлоққа зиёрат қилгани бориб қолсам, ёнларига олиб, роса гурун берди. “Болам, шундай омон-омон замонларга шукрона айтинглар, тушларимга ям кирмаган кунларни яшайман”, деб дуо қилади.

Болалик кезларимда мактаб саҳнаси ёки қишлоқ гузарларида бўлиб ўтадиган байрам тадбирларида тарелкани кўлимга олиб, ўзим билганимча мақом йўналишида куйлардим. У пайтларда доира ёки рубоб сотиб олишининг иложи бўлмаган. Шу боис қалин бир тахтага миҳ қоқиб, уч тарафига сим тортиб, рубоб ясаб, чалиб юрганман. Ҳақиқий муסיқа асбобларини биринчи марта 18 ёшимда Қаршига келиб кўрганман.

Мактабни тугатганимдан сўнг Тошкентга келиб, ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият (собик театр ва рассомчилик) институти курсга ўтганимда устозим

Ефим Михайлович Попов: “Сенда Оллоҳ берган яхшигина овоз бор, буни сайқаллаш керак”, деб ҳозирги В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейига етаклаб келди ва мен ўқишни шу ерда давом эттирдим. Муסיқа мактабидан сўнг Чайковский номидаги Киев давлат консерваториясига ўқишга кирдим. Илгари театрларга ишга жойлашиш учун танлов эълон қилинарди. Шундай танловдан ўтиб, Тарас Шевченко номидаги Украина давлат миллий опера ва балет театрига ишга жойлашиб, ўн йил у ёқда ижод қилдим ва мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ватанимизга қайтиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида фаолиятимни давом эттирялман.

— Опера санъати билан эстрада йўналишида ижод қилаётган санъаткорларнинг овозлари ўртасида қандай фарқлар бор?

— Опера солистига ижрода 70 кишилик оркестр жўр бўлади. Унинг овози оркестрдан ўтиб, залдаги томошабинга етиб бориши керак. Овозда кучли диапазон билан бирга табиийлик ҳам бўлиши керак. Ўқиш ва ишлаш жараёнида йиллар давомида овоз сайқаланиб бориши керак. Дунёга машур композиторлар Жоакино Антонио Россини, Винченцо Беллини, Доницетти Газзано асарларини маромига етказиб ижро этиш учун санъаткордан кучли овоз талаб этилади.

Шунингдек, санъаткорнинг интеллектуал салоҳияти ҳам юқори бўлиши шарт. Ҳаёт тушунчаси саёз бўлса, саҳнада икки соат бақириб ашула айтгани билан томошабиннинг миясини чарчатиб, зериқтиргани қолади холос. Опера солисти самимий ва юракдан куйласа, италян, француз, немис тилидаги кўшиқлар ҳам оҳанг орқали ҳамма мухлисларнинг қалбига бирдек етиб боради. Мен ўз услубимни самимийлик, миллийликда, деб билман.

Халқимиз ниҳоятда санъатсевар, миллий ва мумтоз кўшиқлар шинавандаси. Шу боис ҳақиқий овозни қадрлайди. Кейинги пайтларда кўпгина ёшлар ўзларини эстрада йўналишида синаб кўришяпти. Ҳатто энг кучли мумтоз кўшиқларни ҳам осонгина усулга солиб айтишяпти. Ҳозир техника ривожланган. Айрим студияларда “уддабурон мутахассис”лар оддий хиргойини ҳам кучайтириб, кўшиққа “айлангирини” қўшади.



Операда эса бунинг илҳомини юқ. Овоз — биз учун ҳаётимизнинг масаласи. Шунинг учун ҳар доим овозимизни эҳтиёт қиламиз. Ёмон одатлардан йироқроқ юришга тўғри келади. Ҳатто кўп гапириш ҳам овозимизни чарчатади. Шунинг учун кўпроқ эшитиб, сукут сақлаймиз. Бўлар-бўлмасга чойхонага боришни ёқтирмайман. Чунки ҳар хил бўлмағур гап-сўзларни гапиришга, тинглашга тўғри келади. Овозимни қизғонаман. Самимий, чиройли инсонларнинг суҳбатидан бўлишни яхши кўраман.

— Сизга муваффақият олиб келган ҳамда жуда кўп меҳнат, изланиш талаб қилган асарлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— 20 йил давомида юздан ортиқ спектакллар билан дунёнинг турли мамлакатларида ижодий сафарларда бўлдим. Санкт-Петербург ҳамда Германияда Жорж Бизенинг француз тилида ёзилган “Марварид қидирувчилар” спектаклида Нофир роли, Антонио Россинининг “Севилья сартароши”да Аммасиев, Доницетти Гоззанининг “Севги шароби”да Неморино роллари менга жуда катта муваффақият олиб келди. Бу асарларни Варшава шаҳридаги театрларда ҳам кўп бора ижро этдик. Спектаклдан сўнг томошабинлар кўчада тўхтатиб олиб, яна бир бор ижро қилиб беришимизни сўрашарди. Европада операга қизиқиш кучли. Қозоғистоннинг Алмати шаҳридаги Абай театри билан ўн йилча ижодий ҳамкорлик қилдим.

Опера санъаткорлари орасида камдан-кам солистларгина Иоганн Себастьян Бах асарларини куйлай олади. Илк бора Бах асарларига кўл урганимда бироз чўчигандим, аммо удаладим. Бу машур бастакор асарларини маҳорат билан ижро эт-



Ифтихор

ганимизни эшитган германиялик операчилар маҳоратимизга тан беришди.

— Юртимизда опера санъатининг бугуни ва эртаси ҳақида нима дея оласиз? Бу санъат турига ёшларнинг қизиқиши қандай?

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, республикаимизда бу нодир санъатга алоҳида эътибор берилди бошланди. Ёшлар орасида янги-янги номлар пайдо бўляпти. Расмий тадбирларнинг бирортасини операсиз тасаввур этиш қийин. Операнинг бугуни ютуғида устозларимиз ҳамда жамоатимиздаги барча санъаткорларнинг ҳиссаси бор. Оркестрдаги скрипка, альт, виолончель, труба, гобой қаторига ўзимизнинг миллий чолғу асбобларимиздан карнай, сурнай, доира, ноғоралар оҳанги ҳам кўшилди. Композитор Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши”, Мухтор Ашрафийнинг “Дилором” операларини ёшларимиз маромига етказиб куйлашяпти.

Ижодий ишлар билан бирга консерваторияда ҳам талабаларга дарс бераймиз. Қорақалпоғистонлик Олимбек Каримбоев исмли шогирдим биринчи курсда ўқийди. Шу йигитда алоҳида иқтидорни сезаман. Моцарт асарларини топширсам, бир ҳафтага қолмай ижро этишга тайёр бўлиб келади. Ана шундай изланувчан ёшлар сафи кенгайтилган мени жуда қувонтиради.

— Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Турмуш ўртоғим Сайёра Султонова француз тили ўқитувчиси. Катта ўғлим Шоҳрух Москва физика-техника институтида 2-курсда, Жаҳонгир эса Перм давлат университетининг 1-курсда ўқияпти. Умр йўлдошим ҳам ўз касбининг чинакам устаси.

Оилавий ҳаёт, ким тухум қовуришни қойиллатади-ю, ким уйларни тозалайди, деган тортишувлардан иборат эмас. Ҳозир уй юмушларини техника бажаряпти. Энг муҳими, эр-хотин бир-бирини тушуниши, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашида. Тушунмовчилик сабаб, тортишиб қолсак, гоҳ аёлим, гоҳида мен ён босимизга тўғри келади. Табиатан, оптимист одамман. Чиройли нарсаларни кўрсам ёки бирорта кўшнимга ёрдамим тегса, ёш боладек ҳурсанд бўлиб кетаман.

Оилада эркак ҳам, аёл ҳам тўкин-сочинлик бўлишини истайди. Аммо борида шукрона айтиб, йўғига ҳаракат қилиб яшашнинг ўзи ҳам завқли-да.

“Оила ва жамият” муҳбири,
Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.



ФАРҚ — бу сўзни ишлатганда, одатда фақат нарсадан нарсанинг фарқини тушунамиз. Лекин унинг туб маъноси ўзгачароқ, яъни, бу сўзнинг асл маъноси “ажралиш”, “узоқлашиш”, “айрилиқ”, “жудолик” каби маъноларнинг англатади. Шу маънодан келиб чиққан ҳолда бу сўз нарсалар ўртасидаги номувофиқлик, ноўхшашликни билдиради. Унинг мазмуни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай шарҳланган.

Сўздан сўзнинг фарқи бор.

МАЙ — май сўзи янги-ча йил ҳисобида бешинчи ой маъносини англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Май сўз асли тилимизга латин тилидан кириб келган. Юнон ва Рим мифологиясида Ер маъбудасининг номи Майя бўлган. Май ойининг номи ана шу маъбуданинг номидан олинган.

Майнинг охирига келиб чиллаки меваларга ранг кириб қолди.

Журналдан

САРГУЗАШТ — ўзбек тилининг этимологик луғатида бу сўзнинг асли “бош” маъносини англатган “сар” сўзига “кечирди” маъносидаги “гузашт” феълининг қўшилишидан ҳосил бўлган, деб изоҳланган. Бу сўзнинг туб илдизи “бошдан кечирди” мазмуни билдиради.

Ҳамма уни гапга солиб, кўрган-кечирган саргузаштларини билишга қизиқар эди.

Саид Аҳмад

Тезроқ саргузаштинг сўйла, чирогим.

“Тоҳир ва Зухра”

достонидан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ОТАНИНГ ЎРНИ ҚАЕРДА?

Болалик, ўсмирлик давримизда бирор иш хусусида онамизга гапирсак, ўзлари ичларида маъқуллаб турсалар-да: "Отангдан сўраб кўрай-чи, нима дерканлар, деган жавобни эшитардик. Биз эса юрак ҳовучлаб отамизнинг рози бўлишини кутардик. Энг сўнги қарорни падари бузрукворимиз қабул қилганидан кейин бу масалани қайта муҳокама қилишга ҳеч биримизнинг журъатимиз етмасди.

Бу бизлар улғаяётган унугилмас кезлар эди...

Энди-чи? Афсуски, ушбу ҳолатни бугуннинг барча оилаларида учратиш маҳол. "Оталарнинг хурмати йўқолиб борапти", деган хавотирли гаплар эса тез-тез қулоққа чалинаётгани бежизмас.

Жамиятдаги бу огрикли муаммо сабабини кўп нарсага — энг аввало, оиладаги моддий этишмовчилик, аёлларнинг пул топишга берилиб кетгани, хорижда пул топиш илмида қийналиб юрган оталар "моддий таъминотчи" даражасига тушгани ва ҳоказо омилларга боғлашади. Бу каби рўқачларда ҳам жон бор, албатта. Бироқ асосий сабаб — тарбия масаласига бепарво қарашда эмасмикан? Ахир, бугунги фаровон ҳаётимизга ўтган не-не даврларда — очарчилик, муҳтожлик, уруш йилларидаги қаҳатчилик, мустабид тузум пайтидаги турли тазйиқлар, миллий қадриятларимиз, динимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, ҳатто байрамларимизгача тақиққа учраган кезларда ҳам халқимиз отанинг оиладаги ўрнини, қадри-ни баланд тутган-ку!

Хўш, унда нега оилада отанинг ўрни, эркаклик макрми деган баҳс-талоб мулоҳазалар атрофида бугун ҳар қачонгидан кўра кўпроқ мушоҳада юртияпмиз?

— Отам бир неча йилдан бери хорижда ишлайди, — дейди Жамшид исми ўспирин. — Икки-уч йилда бир келади. Ҳамма ташвишларимизни онам ҳал қилганлари учунми, биз у кишига кўпроқ боғланиб қолганмиз. Отамни онда-сонда кўраемиз. Уйга

келган пайтларида ҳам онам: "Отанга ҳадеб муаммоларингни гапирма, кам-кўстинг бўлса, менга айт", дейди. Шунинг учун мен отам билан ҳатто гаплашиб ўтиришга ҳам қийналаман. Орамизда кўринмас девор борга ўхшайди...

Айрим хонадонларда оталар бокибеғамлик қилиб, ўз ўрнини кўш қўллаб аёлига топшираётгани натижасида фарзандлари олдида қатъиятсиз ота тими солида хурмати ва макъъидан айрилаётгани ҳам бор гап.

— Бирор масалада отамдан маслаҳат олмакчи бўлсам: "Онангдан сўра-чи, у нима дейди", деб онам томонга бепарво имлайди, — дейди Дилмурод исми талаба йигит. — Агар шу масалада онамнинг фикри муҳим бўлса, отамнинг тавсиясиз ҳам уларга маслаҳат соламан-ку. Мен китобларда: "Ўғил бола отасига ҳавас қилиб, унинг изини босибгина инсонлик илмини ўрганайди", деган гапларни ўқиганман. Чиндан ҳам отам билан фахрланишни, ҳар ишда ундан ибрат, ўрнак ва маслаҳат олишни истайман. У киши эса нукул телевизор пултини кўлига олиб, ёнбошлаб ётаверади. Бирор муаммо чиқса: "Ана, онангдан сўра, ўзи ҳал қилади", дейди.

Ўзбекона тарбияда отанинг ўрни жуда катта. Маълумки, оқила бувиларимиз отанинг савлатига сўяниб ўғил тарбиялаганлар. Ота макъеи устун бўлган оилада улғайган болалар билан она фармонбардор бўлган хонадонда вояга етган болалар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Отасининг даққисидан ҳадик туйиб тарбияланаётган фарзандлар ҳамма ишга сидқидилдан ёндошадиган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган бўлиб ўсади. Улар кейинчалик ҳам оиласига ғамхўр, ота-онасининг қадрига етадиган бўлиб улғаяди.

Ота ўғил учун сирдош, она қиз учун дилдош бўлиши лозим, деганида доноларимиз минг қарра ҳақ эди. Оила ус-

тунининг ҳар бир ҳаракати фарзандга ибрат бўлишини унутмаслик керак. Чунки аксар ўғил болалар дунёқарашда отасига идеал шахс сифатида қараш тушунчаси шаклланиб улгурган бўлади. Бу тушунчанинг яхшилик устига қурилгани болаларда юксак гурурни уйғотади.

Айрим оталар фақат пул топишни, оилани моддий жиҳатдан таъминлашигина ўзининг асосий вазифаси деб

ҳаётда ўз ўрнини топиши қийин кечади. Истасак-истасак, ҳар бир оилада, энг аввало, ота-она ўртасидаги ўзаро муносабат, меҳр-муҳаббат пойдевор вазифасини ўтайди. Жанжалкаш ёки спиртли ичимликларга ружу қўйган кишиларнинг фарзандларида (оталари туфайли бўлаётган оиладаги келишмовчиликлар, тинимсиз жанжал оқибатидаги уйдан, ота-ондан зада бўлиш сабабли) атрофдагиларга нисбатан ишончсизлик, меҳрнинг йўқолиши, отадан ҳайиқмаслик ва ҳатто, отасини ёмон кўриш ҳолатлари юзага келади.

Оилавий ҳаётнинг маънавий соғломлиги кўп жиҳатдан онага боғлиқ. Яъни, она оиланинг устуни бўлган отани хурмат қилса, аёллик, оналик вазифасини ўз ўрнида аъло даражада бажарса, қандай бўлишидан қатъи назар, фарзанд ҳам ана шу йўлдан юради..


Биз ушбу мулоҳазаларимиз билан, оиладаги барча масъулиятни фақат аёл ўз зиммасига олиши керак, деган фикрни айтишдан йироқмиз. Биламизки, оталик ҳам, оналик ҳам энг улуг шараф, шу билан бирга масъулиятли вазифадир. Яратганинг бундай бебаҳо неъматини суистеъмол қилмаслик керак. Қолаверса, бугун оиласига, фарзандларига етарлича вақт ажратолмаётган оталар эртага ўзларига нисбатан бемехр бўлиб улғайган фарзандларидан кадр кутганларида, қандай жавоб олишлари мумкинлигини ҳам мулоҳаза қилиб кўришлари керак.

«Эртага ота-оналар мажлиси экан, бу сафар сиз бора қолинг, дада. Бошқаларники ҳар доим келади, сиз эса...», дея падарининг кўзига жарадираган фарзандини «Менинг вақтим йўқ, ана, онанг боради», дея жеркиб ташлаётган ва бу билан ўз зиммасидаги бурчни адо этишдан бўйин твлаётган оталар, афсуски, орамизда кам эмас. Бундайлар нафақат ўз оиласида, балки маҳалла-кўй, жамоатчилик орасида ҳам ўз қадри-қимматини йўқотиб қўяётганини наҳот билмасми?!

Умида АДИЗОВА,
журналист.




Мулоҳаза учун мавзу



билишади. Хонадонда тўки ҳаёт бўлса-ю, энг зарур пайтда масъулиятни ҳис қилмасалар, бундан ёмон йўқ. Бадавлат, ўзига тўқ кишилар ҳам тарбия борасида қалтис хатоликларга йўл қўйганликлари боис бемоб болалардан азиёт чекканини ҳаёт ҳақиқатлари тасдиқлайди.

— Фарзанд учун ота дунёдаги энг кучли, энг ақли инсон бўлиб туюлади, — дейди психолог Дилбар Ҳамдамова. — Бироқ ҳеч ким камчилик ва хатолардан ҳимояланмаган. Жумладан, отанинг ҳам феълида ўзига яраша камчиликлар бўлиши табиий. Она оилада отанинг ўрни, хурмати ва обрўсини сақлашга масъул ҳисобланади. Агар она фарзандлар олдида унинг камчилигини очиб ташласа, юзига тик боқиб, бетгаҷопарлик қилса, бундай хонадонда отанинг обрўси тушади, хурмати йўқолади. Ўзини қийнаётган қарама-қарши саволларга жавоб тополмаган ўсмир тарбияси бунинг, алал оқибат учун



Савоб

ҚАЛБИ ЙЎҒОҚ АДИБ

Халқимиз азалдан китобсевар, маърифатга ошно эканлиги билан доврўғ қозонган. Китобсиз ҳаётни тасаввур этолмайдиган инсонлар юртимизда кўп.

«Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Ғози Раҳмон шу йилнинг эрта баҳорида ҳамқишлоқлари билан маслаҳатлашиб, хайрли ишга қўл урган эди. Яқинда қадимий Лангар қишлоғида жойлашган, ўзи кўп йиллар фаолият юритган 54-умумтаълим ўрта мактаби ёнгинасида икки хонали «Маънавият ва маърифат» масканини қишлоқдошлари кўмағида барпо этиб, китобхоналар ихтиёрига топширди. Битта хонада ўқувчилар янги китоблар билан танишиб, мутолаа қилишади. Иккинчи хона эса Лангар қишлоғи тарихидан ҳикоя қилувчи Мунчоқтепадан топилган қадимий осори атиқалар билан жиҳозланди.

Вилоят ахборот-ресурс маркази ходимлари ҳам бу савобли ишга қўл урган адибга самимий миннатдорчилик изҳор этиб, ушбу масканга турли китобларни совға қилишди. Ўзининг қатор хайрли ишлари билан эл орасида обрў топган қалби ҳаммиса уйғоқ устоз Ғози Раҳмоннинг изох беришича, воҳа ижодкорлари учун ҳам алоҳида жавон ажратилган. Чунки кейинги пайтларда ёшлар фақат мактаб дарсликларига қаритилган шоир ва ёзувчилар ижодидан воқиф эди. Шу билан бирга, бу ибратли маскандан ҳаётнинг энг машхур ёзувчи ва шоирлари асарлари ҳам муносиб жой эгаллашига шубҳа йўқ.

Ўроз ХАЙДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Қашқадарё вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

кўйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пиширликлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой
Қаштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

ҲИКМАТЛАР

Ақлни чарчлаш учун ўқиш — бадан тарбиядек гап.

Ж.АДДИСОН

Китоб одами — билафон, суҳбат — топқир қилади, ёзиб олиш одати эса уни аниқликка ўргатади.

Ф. БЭКОН

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз фарзандимиз Малика!

Сени туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Умринг узоқ бўлсин.

Ўқиш ва ишларинг-да омад ва муваффақиятлар, соғлиқ-саломатлик тилаб



Ота-онанг ва опа, акаларинг

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кинг бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кўндузи)

МЕХР ЎЛМАЙДИ, ОҚИБАТ ҲАМ

Мен бу аёлни яхши биламан. Кўли гул. Ўзи ногирон бўлса-да, биронинг ёрдамига қараб ўтирмайди. Ғайратли, ҳаракатчан. Унинг тикан либосларини кўриб, одамнинг ҳаваси келади. Яқинда у менга ўз бошидан ўтган бир ғаройиб воқеани сўзлаб берди.

Мухтасар опанинг ҳикояси:

— Ўша воқеадан кейин у одамни бошқа учратмадим. Агар кўриб қолсам, нима дердим, билмайман. “Менга қилган яхшилигингиз, ғамхўрлигингиз учун раҳмат” дердимми?! Йўқ. Бу жуда оддий ва жўн миннатдорчилик. Ахир, бегона, кўримсизгина ногирон қизга нисбатан олийжаноблик, мурувват кўрсатган одамга оддийгина “раҳмат” дейиш инсофданми?!

...Ўшанда интернатдаги синфдошларимиздан бири автохалокатга учраб, бутунлай ногирон бўлиб қолганди. Узоқ туманлардан бирида яшагани учун устозларимиз бизни навбат билан дугонамиздан хабар олиш учун жўнатишарди. Бизнинг ўзимиз ёрдамга муҳтожмиз, ўртоғимизга қандай кўмагимиз тегадиркин, деб ўйлардим. Энди билсам, ўқитувчиларимиз тўшакка михланиб қолган ҳалиги қизнинг кўнгли бироз ёзилармикин, дўстлари ёнида бўлса, сал дарди арирмикин, деган хаёлда бизни юборишаркан.

Кеч кузнинг бир тутам куни. Кутилмаганда синф раҳбаримиз менга интернат томонидан йўлланма тайёрлаб қўйишганини, тезда дугонамникига отланишни кераклигини айтиб қолди. Уларникига бориши керак бўлган синфдошимиз дарсга келмай қолиб, ўрнига мени жўнатишаётган экан. Кутилмаганда жўнаганим туфайли, шошилиб, ўша қизнинг уй манзиллини сўраш эсимга келмабди. Мени шохбекатдан автобусга чиқариб қўйган ўқитувчимиз ҳам буни менга тушунтиришни унутибди.

Анча йўлни босиб ўтганимиздан кейин, салондаги йўловчилар секин-аста камайиб, менинг ёнимда ўтирган амаки тушиб кетди ва ўттиз ёшлар чамасидаги бир йигит ўриндиққа чўкди. Унинг қарашлари ўйчан эди. Бироз юрғач, олдинги ўриндиққа тирак бўлиб қўйилган қўлтиқтаёғимга бир-икки қараб олди-да, сўнг изтиробли қиёфада:

— Синглим, бу ҳасса сизникими? — деб сўради.

— Ҳа, меники... — дедим синиққина.

— Уқинманг, бир пайтлари мен ҳам эҳтиётсизлик қилиб оёғимни синдириб олгандим. Ўшанда салкам бир йилча қўлтиқтаёқда юрганман. Худо хоҳласа, яқин орада тузалиб, бу ҳассалардан кутулиб, кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Табиадан, ёлгон гапиришни эплолмайман. Шу сабабданми, яхши гаплар билан кўнглимни кўтаришга уринган инсонга дардимни тўкиб солдим:

— Йўқ ака, мен сизга ўхшаб эҳтиётсизлик қилиб оёғимни синдирирмаганман. Аксинча, катталарнинг эҳтиётсизлиги, эйтиборсизлиги, молдунёга ўчлиги оқибатида қариндошчилик никоҳидан мана шундай нуқсон билан туғилганман. Биламан, бу дардан умрбод кутуллолмайман. Эсимни таниганимдан бери ҳассага таяниб юраман. Тенгдошларим орасида кўнглим ярим. Яхшиям, ота-онам мени

шаҳардаги жисмоний имконияти чекланган болалар мактаб-интернатига ўқишга қўйишган. У ерда бизни биров камситмайди, ўқитмайди. Чунки ҳаммамизнинг бир нуқсонимиз бор...

Ҳамроҳим бир муддат жим, ўйланиб қолди. Салдан кейин:

— Уйга кетяспизми? — деб сўради.

Дугонам билан бўлган воқеани гапириб бердим. “Ёмон бўлибди”, деди у ҳамдардлик билан бош чайқаб. Бу пайтда биз мен боришим керак бўлган туманга етиб қолгандик. Кеч куз эмасми, ҳали соат олти бўлмай туриб, атрофга қуюқ қоронғилик тушганди. Ёнимдаги йигит, дераза оша ташқарига кўз ташлаб олди-да:



— Кеч тушди. Бораётган жойингизни аниқ биласизми? Яна бегона жойда адашиб-нетиб қолманг? — деб сўради.

— Тўғриси, аниқ номини билмайман, лекин бир марта тутилган кунига борган эдик. Адашмасам, уйи темир йўл вокзали олдида эди...

Бирдан хавотирлана бошладим. Чиндан ҳам дугонамнинг уйини билмасдим.

— Хавотирланманг, автобусдан тушиб, таксига ўтирсангиз, айтган ерингизга олиб боради. Темир йўл бекатига яқин жойда туширса, у ёғига пиёда етиб оларман...

Жавоб ўрнига ер чиздим. Ахир, менинг чўнтагимдаги пул таксига етармиди? Ҳамроҳим хаёлимдан кечганларни ўқди, шекилли:

— Пулингиз борми? — деб сўради. Нима деяримни билмай, яна ерга қарадим:

— Мен бугун бошқа дугонамизнинг ўрнига келаялман. Пулим камроқ эди. Таксига етмас керак. Майли, бир амалларман. Автобус темир йўл бекатига яқин жойда туширса, у ёғига пиёда етиб оларман...

— Э, синглим-эй, қизиқ экансизку, вақтни қаранг, алламаҳал бўлиб қолди. Сиз соат еттиларда автобусдан тушсангиз ҳам, у жойни қидириб толгунингизча тўққиз бўлади. Қиз бола бўлсангиз... Қоронғида, бегона жойларда қандай юрасиз. Майли, хавотирланманг. Ўша жойга сизни ўзим олиб бориб қўяман.

У шундай деб жажжигина қўл телефонидан рақам терди:

— Дадажон, ассалоому алайкум. Яхши ўтирибсизларми? Мен йўлдаман. Бир синглим кечга қолиб кетибди, меҳмон экан. Борадиган ерини билмайди. Уни жойлаштириб, сўнг уйга бораман, хотиржам бўлинлар.

Юрагимдаги бўяқ хавотирлар

Тўқилмаган ҳикоя

тарқаб, анча енгил тортдим.

Автобусдан тушганимиздан сўнг йигит такси тўхтатди. Темир йўл бекати томонга бордик. Биринчи кўчадан изладик, иккинчи, учинчи кўчадан ҳам дугонамнинг уйини тополмадик. Йўл азоби, қидир-қидирнинг чарчоғи, хижолатлик ҳолдан тойдириб, кўзларимни йўқу элита бошлади. Излаган уйни тополмаслигимга тобора ишона бошлагандим. Кўнглимдаги алланечук гашилик, кўзларимни намлаб бошлади. Негадир менга ҳамроҳлик қилаётган йигитдан хавфсирай бошладим. Худди атай мени адаштираётгандай, ҳозир менга бир ёмонлик қиладигандай туюлаётгандай. Бир томонда кўрқув, бир томонда ожизалик. Йўлда қаттиқ толиққанман. Хўрлигим келди. Қочиб кетай дейман, аммо... Ҳатто тузукроқ қадам ташлай олмайману, қочиб қаёққа кетардим...

Кутилмаганда ҳалиги йигит, такси ҳайдовчисига қарата:

— Ака, бирорта меҳмонхонага ҳайданг. Бу синглимни бир кечга меҳмонхонага жойлаштирайин, эртага кундуз куни излаган дугонасини топиб бераман, — деб қолди.

Туман марказидаги шаҳарчада битта меҳмонхона бор экан, менинг ёнимда ҳеч қандай ҳужжатим йўқ эди. Мактаб-интернат берган йўлланмани улар тан олишмади. Йигит ўзининг паспорти билан жой олиб, мени жойлаштирмоқчи эди, аммо бир кишилик хонанинг нархи жуда қиммат экан. Ҳамроҳим пулни эртага олиб келиб беришини айтиб, қанча илтимос қилмасин, меҳмонхона ходимлари рози бўлишмади. Яна жой қидира бошладик. Ҳайдовчи, шу яқин орада санаторий борлигини айтиб қолди. Соат ўнларга яқин ўша жойга бордик.

— Синглим, агар бу ерда ҳам ишимиз битмаса, сизни уйимга олиб кетаман. Ҳарқалай кечаси кўчада тунамайсиз-ку, — деди ҳамроҳим.

Индаммадим. Юрагим хавотир ва кўрқувдан бўғзимга тикилиб, тилим гапга айланмай қолганди.

Улар ичкарига кириб кетишди. Чамаси чорак соатлардан кейин чехрасида мамнулик билан қайтиб келди. Санаторийнинг навбатчи шифокори бир кун тунаб қолишимга рухсат берди. Ҳалиги бегона йигит мени жойлаштириб, кўчадан егулик олиб келиб бериб, эртага албатта келишини айтиб, хайрлашди. Уни кузата туриб... кўзларимдаги ёшни тўхтатолмасдим. Шундай олийжаноб, меҳридарё киши ҳақида ёмон хаёлларга бorganимдан хижолат тортиб, дунёда яхши одамлар борлигига шукрона келтириб йиғлаётгандим...

Кечкурун ўша ерда ишлайдиган бир аёл билан танишгандим. Дугонам яшайдиган кўчада тураркан. Уни Тошкентга даволатиш учун олиб кетишибди. Энди уларникига боришим бефойда эди. Эрталаб ўша меҳридон йигит санаторийга кириб келди. Акамга (энди у йигитни бемалол акам дея олардим!) интернатимга қайтишимни, дугонам бу ерда эмаслигини айтдим. У мени шаҳарга қатнайдиган автобуслар шохбекатида олиб келиб, автобусга чиқариб, йўл кирамини тўлади ва яна қўлимга пул тутқазди:

— Буни олиб қўйинг, синглим. Бундан кейин бир ўзингиз, билмайдиган жойингизга бемаҳалда йўлга чиқманг. Соғ бўлинг, йўлингиз беҳатар бўлсин...

Тўғриси, унга нима деганим, қандай миннатдорчилик билдирганиму қандай хайрлашганим ҳам эсимда йўқ. Йигидан ўзимни тўхтатолмасдим...

Рухсона ФАРҲУХ
ёзиб олди.

Савол-жавоб

ЧАҚАЛОҚ ОЗУҚАЛАРИ

“Бир яшар қизчамни кўшимча озуқа билан овқатлантиришга ўргатмоқчиман. Унга қайси маҳсулотлар ёки мева-сабзавотлар фойдали?”

М. Зуфарова,
Тошкент шаҳри.

Олий тоифали болалар шифокори Раъно ҚОДИРОВА тавсиялари:

— Она сутидан ташқари турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш гўдакнинг соғлом ўсишига ёрдам беради. Олти ойлигидан бошлаб, уни кўшимча озуқага ўргатиб бориш керак. Чунки она сутининг ўзи ўсаётган организмни керакли минераллар ва витаминлар билан таъминлай олмаслиги мумкин.

Болажонлар учун айниқса, сабзавотлар гоятда зарур. Улар модда алмашувини яхшилайдди, таркибдаги пектин моддаси эса овқат ҳазм бўлишини фаоллаштиради. Шу боис болаларга сабзавот ва мевалардан тайёрланган пюрелар бериб туриш лозим.

Боланинг организми кўшимча озуқага ўрганиши, қайт қилмаслиги, ич кетиши каби салбий ҳолатлар бўлмаслиги учун гўдакка дастлабки пайтларда гуручли бўтқалар тавсия қилинади. Чунки, у енгил ҳазм бўлувчи озуқалар турига киради. Кейинчалик глютенли (бугдойли ёки жавдарли) бўтқаларни бериб бориш мумкин.

Бола кўшимча озуқага ўрганганидан сўнг, кундалик рационига оз-оздан гўшт, ўсимлик мойи, тухум каби янада қувватлироқ маҳсулотларни қўша бўлади. Маккажўҳори, гречица асосида тайёрланган бўтқалар тўйимли бўлиши билан бирга бола организми учун фойдалидир. Шу билан бирга, бугдой ёрмаси ҳамда сули бўтқаси ҳам витаминларга бой таом ҳисобланади.

Янги мева ва сабзавотлардан тайёрланган шарбатлар, дармондориларга, шунингдек, мева кислоталари ва қандга бой бўлади. Улар меъда-ичак тизимининг меъерда ишлашига ва ундаги микрофлоранинг шаклланишига кўмаклашади.

Шунингдек, бола иммунитетининг мустаҳкамланиши ва фаоллашишида ичакдаги фойдали бактерияларнинг ўрни муҳим. Бифидо ва лактобактериялар гўдак учун ўзига хос маҳкам вазифасини ўтайди. Уларни бола она сuti орқали олади. Гўдак кўкрак сутини эммаган тақдирда уларни пробиотикли болалар аралашмаси орқали олиши керак. Гўдакни кўшимча озуқага ўргатаётганда бифидобактериялар билан бойитилган бўтқалар берилса, унинг ичакларида соғлом микрофлора ва мустаҳкам иммун тизими ривожланишига ёрдам беради.


Кўпинча болалар сабзавотли таомлар ейишни унчалик хуш кўришмайди. Бунга она ўз эркатойини турли ширинликлар билан сийлайвериши сабаб бўлади. Натигада, берилаётган кўшимча озуқани хушламай, инжиқлик қилади. Бундай пайтда дастурхонни ранг-баранг салфеткалар, ёрқин рангдаги тоза ва бежирим идиш товоқлар билан безатилса, боланинг олдига қўйилган таомга бўлган қизиқиши ортади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.



МИТТИ АТЛЕТ

"Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни", деган ҳазиломуз мақолни яхши биласиз. Мана бу кичкинтой пахлавоннинг исми-шарифи Жулиано СТРОЕ. 2004 йил 18 июлида Руминияда туғилган болакайнинг номи атиги беш ёшида Гиннеснинг рекордлар китобига зикр этилган. Болакай икки ёшидан бошлаб мушакларини чинқитириб келарди. Хайрихоҳ дўстлар унинг отасига бу



ҳаракатлар ўсаётган болакай учун ортиқча юк бўлиши мумкинлигини бот-бот тақдорласа-да, ота ўғли билан машқларни давом эттираверди. Беш ёшида машҳур бўлиб кетган Жулианонинг оиласи Флоренцияга кўчиб ўтишади ва тез орада шаҳарнинг эътиборга сазовор оилаларидан бирига айланади.

Жулиано Италия телевидение-сига таклиф қилишади. Болакай 15 килограммлик резина коптокни осмонга кўтарилган оёқлари орасига кистириб, гавдасини қўлларидан кўтарганча югуриб, 10 метр масофани ақл бовар қилмас тезликда босиб ўтади ва рекорд ўрнатади. Шундан сўнг унинг шухрати дунёга ёйилиб кетади. Унга турли шоулларга, кўнгилочар томошаларга таклифлар ёғилиб кетади.



— Ўғлим ҳамма болалар қатори оддий болакай, — дейди митти атлетнинг отаси Иулиэн Строе. — У чарчоқ сезганида биз биргаликда турли ўйинлар ўйнаймиз. Бўш вақтларида Жулиано телевидениеда мультфильмлар томоша қилишни, расм чизишни яхши кўради. Мен ҳеч қачон уни мажбурлаб машқ қилдирмаганман. Ўғлим жонини қийнамасдан ўзи истаганча машқ қилади. Унинг томошаларидан пул ишлаб олишни эса ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Профессional гимнастикачи сифатида ниятим — ўғлимда спортга муҳаббат уйғотиш.

Боланинг отаси Иулиэн собиқ спорт-гимнастикачиси. У машғулотларга доим ўғлини олиб борар ва турли мураккабликдаги чинқитириш машқларини бажартирар эди. Шон-шухрат Жулианонинг бошини айлан-тириб, уни улғайтириб қўйгани йўқ. У ўз ёшида болаларга хос руҳиятида яшайди, шўхлиги ўзига яраша, ўйнаб-кулади, истаганча мультфильм томоша қилади.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.



КЕЛИН ТАРАФ... СОВЧИ ҚЎЙДИ

Жияним Сардорбекнинг ёши 27 да. Ўзи тадбиркор. Ақлли-хушли йигит. Яқинда ишдан қайтаётсам, бир аёл йўлимни тўсиб: "Сиз Сардорнинг холасимисиз?" деб сўраб қолди. Исми Салтанат экан. "Шахло исмли қизим бор, жиянингизга кўнгил қўйибди. Шу йигитдан бошқасига тегмайман, деб оёқ тираб туриб олган. Опангизнинг ёнларига ўтиб, маслаҳатлашмоқчи эдим", деса бўладими. Ёшига номуносиб равишда кийинган, юз-кўзларини беўхшов пардозлаб олган бу аёлнинг дабдурустдан айтган гапини эшитиб, эсанкираб қолдим. Ўзбекчиликда қиз томондан йигитга совчи қўйилиши уят эканини, бу урф-одатларимизга умуман тўғри келмаслигини тушунтиришга уриндим. "Вой, сиз ўзи нечанчи асрада яшасиз? Ҳозир замон бошқача, ёшлар кўнглига ёққан инсон билан яшашини хошлайди. Қолаверса, ўз севгиси учун курашининг нимаси ёмон?", дейди уялмай-нетмай. Ўзининг тарбия-сизлигини замона зайлига йўяётган бу аёлнинг ортидан ҳайрон бўлиб термилиб қолдим.

Тўғри, жиянимни уйлантиришимиз керак. Аммо кўча-қўйда тўхтатиб, андишасизлик билан "совчилик" қилаётган бундай аёлларнинг қизларини келин қилиш ниятимиз йўқ.

Газетанинг 40-сонига босилган "Қайнанинг ўксимасин" номли мақола муаллифи, наманганлик Шахноза опанинг телефон рақамини берсангиз. Унинг қайнанинг 26 ёшли Дилфуза ҳақида билдирган илиқ фикрларини ўқигач, жиянимни шу қиз билан таништиришга қарор қилдик.

МАВЛУДА,
Наманган вилояти.

ИККИ ЙЎЛ ҲАҚИДА ҚОЛДИ

Махпура билан ўғлим Жавоҳир бир-бирларига кўнгил қўйиб, оила қуришди. Бир нафар фарзанди бўлгунча келиним биз билан аҳил-иноқ яшади. Махпуранинг катта опаси пойтахтга кўчиб кетди-ю, бизникида хотиржамлик йўқолди. Икки-уч марта опасиникига бориб, шаҳар шароитини кўрган келинимнинг феъли ўзгарди. "Шаҳарлик аёлларга яхши-да, ҳамма нарса муҳайё", деб оғзидан бол томиб гапирадиган бўлиб қолди. Бизнинг уйимизда ҳам барча шароитлар етарли бўлса-да, келиним яккаю ёлғиз ўғлимни пойтахтда яшашга кўндириш ҳаракатига тушди. Бечора болам бир ёқда бизнинг, иккинчи ёқдан хотинининг раъйига қарайвериб, роса қийналиб кетди. Уларнинг оиласи бузилмаслиги учун пойтахтга кўчиб кетишларига рози бўлдим. Эр-хотин бир-биримизга суяниб, ҳайҳотдек уйда ёлғиз қолдик. Ўғлим билан келиним уч йил ижара уйда яшашди. Оиласини тебратиш учун болам энг оғир юмушларни ҳам бажаришга мажбур бўлди. Утган йили қишда шамоллаб, пневмониянинг оғир турига чалинган, ишга яроқсиз бўлиб қолди. Келиним: "Эрим пул топмапти", деб жанжаллашавериб, охири ажралиш учун судга ариза берди. Жавоҳир қишлоққа қайтгач, малакали шифокорларга кўрсатиб, оёққа тургаздик. Ҳозир соғлиги анча яхши. Бир қорхонада ҳисобчи бўлиб ишлапти. Ёши 29 да. 25 ёшгача бўлган, турмуш қуриб ажрашган ёки оила қурмаган қизлар бўлса, уни қайта уйлантириш ниятидамыз.

СОҲИБА АЯ,
Самарқанд вилояти.

НЕВАРАМНИНГ ТҶЙИ БЎЛДИ

— Қизим, мен Фарғонадан кўнгирак қиялман. Хосият ая бўламан. Эсладингизми?

— Бўлмасам-чи, адашмасак, баҳорда тахририятга неварангиз билан келганингиз, шундайми?

— Ҳа, барака топинг. Ўша Гулчехранинг бувисиман. Шу неварангнинг ёши 30 га қараб кетаётганидан хавотир олиб, сизларга мурожаат қилганим.

— Сирдарёлик Баҳодир деган йигитнинг телефон рақамини берганидир шекилли. Нима бўлди?

— У билан аввал телефон орқали ўзим суҳбатлашдим. Гап-сўзлари маъқул келган, йигит-қизни учрашишларига рози бўлдим. Уч-тўрт ойча бир-бирлари билан учрашиб, синашиб юришди. Сўнг Баҳодирнинг онаси совчиликка келди. Яқинда тўй ҳам бўлиб ўтди. Неварангнинг бахти очилганидан хурсандимиз. Оиламиз номидан раҳмат айтиш учун кўнгирак қияламан.

— Биз ҳам икки ёшнинг умид билан қурган оиласи пойдевори мустаҳкам бўлишини тилаймиз!

БОШПАНА КЕРАК ЭКАН

Тахририятга кириб келган 60 ёшлардаги онахоннинг очиқ чехраси, ёқимли табассуми эътиборимизни тортди. У салом-алиқдан сўнг гап бошлади:

— "Оила ва жамият" менинг кўп йиллик кадрдоним, шунинг учун ҳам ҳар йили пенсия пулимдан обуна бўламан. Ўзлон қилинаётган ҳаётий воқеаларни қизиқиб ўқийман.

— Эътиборингиз учун раҳмат, ҳўш, сизни бу ёққа қандай шамоллар учирди?

— Очиғини айтмайми сизга, 63 ёшли Мўминжон акамнинг тақдирига қайурганим учун келдим. Беш йил аввал келиноним оғир касалликка чалиниб, оламдан ўтиб қолди. Шундан бери акам бечора ёлғиз. Икки қизиниям узатган. Қўёвлари ичкўёв бўлишни истамади. Икки йилча бурун ўзим бош бўлиб, 45 ёшли Сожида деган беварзанд бир аёлга уйлантириб қўйганим. Аввалига бинойидек яшаб юришди. Кейин эса Сожида дугоналарим билан бозорга чиқиб, савдо қиламан, деб оёқ тираб туриб олди. Акам ёш хотинининг кўнглига қараб, рози бўлди. Бозорга ўрганган Сожида рўзгорини бутунлай унутди. Бу орада акам инсултга чалиниб, шифохонага тушиб қолди. Савдогар келинимиз эса товар олиб келаман, деб хорижга жўнаб кетди. Акамга қизлари навбатма-навбат келиб қарашди. Қиз бола бировнинг ҳамси, дейишади. Жиянларим оиласидан ортиниб, ҳар доим ҳам отасидан хабар олишолмайди. Шифохонадан чиққанидан сўнг акам уйда қаровсиз қолиб кетди. Уч-тўрт кунлаб, иссиқ овқатсиз яшашга ҳам кўнгики.

Бир куни акам кўнгирак қилиб, ҳузурига чақирди. Сожида бир хонали уйга етадиган маблағ тўплаб олганидан сўнг акам билан ажралиш ниятига тушиб қолди. Кейин билсак, унга вақтинчалик бошпана керак бўлгани учунгина акамга турмушга чиққан экан. Шундай қилиб, савдогар аёл бизни ҳув тушириб кетди.

Оғзи қуйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейишгани рост экан. Энди акамга бир нафар ўғил фарзанди бор, уйим-жойим дейдиган сариштагина аёлни қидиряпмиз. Мана у кишининг ҳужжатлари. Агар муносиблари қисса, илтимос, аввал мен суҳбатлашсам, ёмон бўлмасди.

НИХОЛА,
Тошкент вилояти.

ТОШДАН ЯРАТМАСИН ЭКАН

Ёшим 45 да. Қозоқ миллатига мансубман. Эсласам, ҳалигача даҳшатга тушаман, нега десангиз, собиқ эрим мени аёвсиз калтакларди. Фарзандим туғилса, инсофга келиб қолар, дея умид қилдим, аммо у тузалиш ўрнига баттар айнади. Топган уч-тўрт сўм пули ҳам ўзидан ортмас, рўзгорга бир тангачалик ҳисса қўшини хаёлига келтирмасди. Отанам сепимга қилиб берган буюмларини ҳам сотиб юборди. Ҳатто яшаб турган уйимизни ҳам сотмоқчи бўлганини билгач, тоқат қила олмай, эрим билан ажралишга қарор қилдим. Қайнопарим ука-сига кўп насихат қилишди. Аммо йўлга солишолмади. Шундан сўнг қайнотамдан қолган уй-жойларни менинг номимга ўтказиб беришди. Эрим билан ажрашиб, икки нафар ўғлимни бир ўзим катта қилдим. Ўғилларим эсли-хушли, қўлларига гуддай хунарлари бор, уйлантирганман, ўзларига тинч. Лекин баъзан ўзим билан ўзим қолганимда сиқиламан, кўз ёшимни ҳеч кимга кўрсатмай, йиғлаб-йиғлаб оламан. Аёлни тошдан яратмасин, деганлари рост-да. Бўлмаса мен 45 йил яшаб, бу дунёда нима қўрдим? Тўғри, ҳеч ким мени ташлаб қўйгани йўқ, қариндош-уруғларим, қўшниллар қўлларидан келганича ёрдам беришди. Ҳозир оиламдан кўнглим тўқ. Фақат бахтим яримлигидан қуйинаман.

Кимдир айтар, энди болаларингиз учун яшангача, деб. Ахир, ҳаёт деган улуг незмат одамга бир марта берилди-ку! Мен ҳам бошқалар каби ёнимда суянчиқ, дилдош бўлишини истаيدман. Имкони бўлса пойтахтда яшовчи, фарзандларидан тинган, инсофли инсон билан тақдиримни боғласам дейман.

АЙГУЛ,
Тошкент шаҳри.

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ...



Ойна

Тирикчилик, рўзгор юмушлари, бола-чақалар ташвиши билан умр кечиришимиз. Баъзан иситмамиз чикиб қолса-да, ҳафсала қилмай, ҳа, эртаиндин дўхтирга борарман, деб қўл силтаймиз. Баъзан эса соатлаб арзимаган кўнгилхушликлар, чойхона, гап-гаштаклар деб вақтимизни совурагимиз.

Яқинда маҳалламизда қизиқ бир манзарага гувоҳ бўлдим. Бу ҳақда радио-телевидение, газета-журналларда мутахассислар, шифокорлар қанча куйиниб бонг ураётган бўлса-да, афсуски, ҳамон ўз саломатлигини хавф-хатарга қўяётганлар орамизда учраб турибди.

...Бир маҳал кўчамиз бошида тўхтаган машинага ўрнатилган радиокарнайдан "Кеп қолинг, ишончли ва энг арзон маҳсулотлар бизда, сотамизу кетамиз", деган овоз эшитилди. Қўни-қўшнилари ҳалиги машинани бир пасда ўраб олишди. Кўлбола расталарда кундалик эҳтиёж моллари — совун, чойдан тортиб, тиш, идиш, кир ювиш воситаларининг бир неча хили, қолларда эса туз ва макарон тўла эди. Бу — бир қараганда, жуда қулайдек туюлади ҳар қандай кишига. Негаки, энг керакли маҳсулотларни уйингизгача келтириб беришса, бунинг нимаси ёмон? Устига-устак овора бўлиб, дўконма-дўкон юрмайсиз, нархлариям анча арзон. Бирок...

— Арзоннинг шўрваси татимас, деган халқона ҳикматнинг нақадар топиб айтилганини оддий мана шу мисолдан ҳам билса бўлади, — дейди мутахассис шифокор Халида ХАСАНОВА. — Тасаввур қилинг, дейлик, бир қоп тузни арзон-гаровга сотиб олган киши уни қаерда сақлайди? Ошхонанинг бир бурчагида оила ётади. Энг ёмони, на товар сертификати, на ишлаб чиқарилган ман-

зили бўлган ўша тузнинг умуман йодланмагани аниқ. Ҳатто "йодланган" деган сохта тамга босилган қутича ва қопчалар ҳам учраётгани хусусида мисоллар бор. Бу масаланинг бир жиҳати, иккинчи, яъни, асосий томони шундаки, кейинги пайтда айнан ана шундай бепарволиклар оқибатида аҳоли ўртасида турли хил хасталикларга чалиниш даражаси ортиб бораётгани кузатилмоқда. Биргина йод етишмаслигининг ўзи саломатлигимизга қандай хавф туғдираётганини изоҳлаб ўтириш шарт эмас. Чунки бугунги кунда аксарият аҳоли бу



ҳақда етарли даражада хабардор. Лекин ҳамон бу каби бепарволик ҳолатлари учраётгани кўнгилни хира қилади.

Ўтган кун поликлиникада бир аёл билан гаплашиб қолдим. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида яшар экан. Пойтахтга даволаниш учун келибди. "Кўп йиллардан бери ошқозоним безовта қиларди, бир ёғи тишларимнинг деярли бари протез, тамадди қилишим билан қайт қилгим келаверади. Хўжайиним неча марта Тошкентда яхши шифокорларга кўрсатаман, десаям, шошилманг, тўрт фарзандимни уйли-жойли қилайин, кейин дўхтирга кўринаман, деб, ишонасизми, қизим, бир марта бўлсам тиббий кўриқдан ўтмадим.

Охири беш кун аввал шунақа мазам қочдики, дунё кўзимга кўринмай қолди. Кеча шу ерда яшайдиган қариндошимникига келиб, бугун текширувдан ўтаяпман. Билмадим, қандай таххис қўйишди", деди ўша онахон.

Ўйлаиб қолсан киши. Орамизда соғлигидан кўра, ўткинчи ҳоҳу-хаваслар, тирикчилик ташвишларини устун қўювчи юртдошларимиз, минг афсуски, кам эмас. Қачонки, боши ёстиққа теккан пайтда кўзи очилган, ҳеч бўлмаса, бир йилда бир марта кўриқдан ўтиши ўзига эп кўрмаган ва кейин аттанг деб юрганлар йўқ дейсизми? Ахир, давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, жамоатчилик орасида тиббий маданиятни янада ошириш каби долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилган бир пайтда, нега бу дунёда энг бебаҳо бойлик саналган соғлигимизга эътибор беришни пайсалга соламиз? Ёки юқорида тилга олинган ҳаётий мисолларга гувоҳ бўлмаганимиз, энг ачинарлиси, лоқайдлигимиз ўзимиз учун қимматга тушаётганини, ўзимиз биллиб-билмаган ҳолда пулимизга ана шундай арзон маҳсулотларга кўшиб, турли хил касалликларни ҳам "сотиб" олаётганимизни нахотки билмасак?!

Ҳозир замон тезкор, тараққиёт шиддатли одимламоқда. Биз ҳам ана шу давр талабига мос равишда ҳаракат қилмоғимиз жоиз. Аксинча, инсоний маданият юксалишларидан орда қолиб кетишимиз ҳеч гапмас. Шунинг учун, энг аввало, руҳий ва жисмоний, энг муҳими, тиббий тарбияни ўз оиламиздан бошласак, ютқизмаймиз.

Моҳинур ҚОДИРОВА,
Тошкент давлат педагогика
университети талабаси.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ИНЧЕОНДАН
МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида нуфузли мусобақа — II Параолимпия ўйинлари якунланди. Ушбу йirik спорт анжуманида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан спортчилар голиблик учун баҳслашди. Спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Енгил атлетикачиларимиздан дастлабки олтин медални Фахриддин Ҳамроев келтирди. У 800 метр масофага югуриш мусобақасида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, Осиё рекордини янгилади. Шунингдек, у 200 ва 400 метрга югуришда ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Унинг 400 метрга қайт этган натижаси ҳам Осиё рекорди, ҳам Параолимпия ўйинлари рекорди сифатида қайт этилди.

Иқтидорли енгил атлетикачимиз Маъруфжон Муродиллаев 1500 метр ва 800 метр масофага югуриш баҳсларида, 4x100 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган жамоавий баҳсда Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Улугбек Чориев ва Фахриддин Ҳамроев энг юқори натижани кўрсатди.

Мавлонбек Ҳайдаров ядро улоқтириш мусобақасида Осиё рекордини янгилади.

Енгил атлетиканинг диск улоқтириш баҳсларида олтин медалга сазовор бўлган Ҳусниддин Норбеков ядро улоқтиришда кумуш медални қўлга киритди.

Узунликка сакраш мусобақаларида иштирок этган Фаррух Мирзакулов кумуш, турли масофага югуриш бўйича Миран Сахатов иккита кумуш, Сирожиддин Норов иккита бронза ва Дамир Пашаев битта бронза медаль билан тақдирланди.

Инчондаги мусобақанинг дэюда бўйича ўтказилган беллашувларида спортчиларимиз етти та олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

Шариф Халилов вази 81 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида барча рақибларини маглубияга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна бир маҳоратли спортчимиз, дэюда бўйича жаҳон чемпиони Одилжон Тулендибоев энг огир вазндаги полвонлар беллашувида эронлик Ҳамза Надрийни 19 сонияда енгиб, Параолимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Вази 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Феруз Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобига олтин медални тухфа этди.

Бундан ташқари сузиш баҳсларида ҳам спортчиларимиз бир нечта олтин медаль ва рекордлар сохибига айланишди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

МАЖБУРИЯТ ЮКЛАНАДИ

Ҳада шартномаси қандай тартибда амалга оширилади?

М. Курбонова.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида белгиланишича, "ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) иккинчи тараф (ҳада олувчи) га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёкинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажақда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкнинг ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳада этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳада яна олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзи-

дан ҳақиқий эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Саволга Бўстонлик тумани 1-сон ДНИ нотариуси Гулсара ХАЛИЛОВА жавоб берди.

ЯШАШ МАНЗИЛИНИНГ
ДАХЛИ БОРМИ?

Адвокат олиш учун яшаш манзилнинг аҳамияти борми?

Ж.Абдуллаев.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом"га мувофиқ, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳузурдаги малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади.

Лицензия Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади ва унинг амал қилиш муддати чекланмайди.

Шунга кўра, фуқаро яшаш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган исталган адвокатга мувожаат қилиши мумкин.

Саволга Наровий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Камолиддин СУЯРОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oijavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —
5958. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

12345